

Иброҳимова Мухаббат Маликовна

Судьялар олий мактаби тингловчиси

Аннотация: Мазкур мақола фуқаролик процессида учинчи шахслар тушиунчаси ва аҳамияти ёритилган. Фуқаролик процессида учинчи шахсларнинг ўзига хос хусусиятлари миллий қонунчиллик асосида таҳлил қилинган ҳолда назарий ва амалий ҳижатдан таҳлил қилинган. Шунингдек, фуқаролик процессида учинчи шахслар иштирокининг ўзига хос жиҳатлари ёритилган. Шу билан бирга, мазкур соҳага оид назариётчи олимлар, тажрибали амалиётчи ходимларнинг фикр ва мулоҳазалари таҳлил қилинган.

Калим сўзлар: фуқаролик процесси, тарафлар, даъвогар, жавобгар, учинчи шахслар, низо предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилувчи учинчи шахслар, низо предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахслар, манфаатдор шахслар, умумий юрисдикция судлари, фуқаролик процессуал тамойиллари.

ПОНЯТИЕ И ЗНАЧЕНИЕ ТРЕТЬИХ ЛИЦ В ПРОЦЕССЕ ПОЛУЧЕНИЯ ГРАЖДАНСТВА

Иброҳимова Мухаббат Маликовна

Студент Высшей школы судей

Аннотация: В данной статье раскрывается понятие и значение третьих лиц в гражданском судопроизводстве. Специфика третьих лиц в гражданском процессе анализируется с теоретической и практической точки зрения на основе национального законодательства. Также выделены

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

специфические аспекты участия третьих лиц в гражданском процессе. При этом были проанализированы мнения и мнения учёных-теоретиков, опытных практиков в данной области.

Ключевые слова: гражданский процесс, стороны, истец, ответчик, трети лица, трети лица, предъявляющие самостоятельные требования в отношении предмета спора, трети лица, не предъявляющие самостоятельных требований в отношении предмета спора, заинтересованные лица, суды общей юрисдикции, принципы гражданского процесса.

КИРИШ

Дунё мамлакатларининг глобаллашуви жараёнида Ўзбекистонда судхукуқ соҳасини ислоҳ этиш ва модернизация қилиш йўлидаги изчил ҳаракатларни кучайтириш, уларни янги, янада юқори босқичга кўтариш устувор вазифа қилиб белгиланган.

Ҳозирги кунда миллий қонунчилигимиз мустаҳкамланиб, хорижий давлатлар тажрибаси ҳамда халқаро хуқуқнинг умумеътироф этилган қоидалари устунлиги тан олинган ҳолда такомиллаштирилмоқда. мамлакатимизда амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида миллий давлатчилик ва суверенитетни мустаҳкамлаш, жамиятда қонун устуворлиги, инсон хукуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳамда фуқаролар бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратилди.

Ўзбекистон Республикасида инсон хукуқларини ҳимоя қилиш, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тизими изчиллик билан такомиллаштириш ва модернизация қилиш жараёни амалга оширилмпоқда. Бу эса аҳолининг ҳаёт сифати, инвестиция иқлими, ишчанлик мухитини яхшилаш ва бизнесни ривожлантириш имконини беради. Бу вазифаларнинг ижросини сўзсиз таъминлаш пировардида ватанимиз тараққиётини янада юксалтириш ва халқимиз фаровонлигини оширишга қаратилган бўлиб, бунда халқаро хуқуқнинг умумеътироф этилган қоидалари ва халқаро

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

ташкilotларнинг тавсиялари мухим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётдан ислоҳоотлар негизида инсонга эътибор бериш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини амалга оширишда кенг имкониятлар яратиш ҳамда уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашга қаратилмоқда.

Барча ислоҳоотлар туб негизида албатта инсон ҳуқуқ ва манфаатлари, уларнинг учинчи шахслар томонидан бузилишларини олдини олиш ва ҳимоя қилиш – ягона мақсади ётади. Юртимизда кенг кўламда ушбу соҳада амалга оширилаётган ишлар суд-ҳуқуқ соҳасини изчил равишда босқичма-босқич либераллаштириш сиёсатининг қай даражада ўз натижасини бераётганлиги Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан илгари сурилган “Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун” [1] деган олийжаноб гояни амалдаги дадили десак муболаға бўлмайди.

Айниқса, суд-ҳуқуқ соҳасида кенг кўламли ислоҳоотлар амалга оширилиб, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллиги таъминлаш, судларда ишларни кўришни такомиллаштириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизими изчиллик билан такомиллаштирилмоқда ва модернизация қилинмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, жамиятимизда фуқаровий-ҳуқуқий муносабатларнинг шиддат билан ўсиб бориши натижасида тарафлар ўртасида низоли ҳолатларнинг юзага келиши ва уларни ҳал этишда суд ҳокимияти мухим ўрин эгалламоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддасида “хар кимга бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш учун унинг иши қонунда белгиланган муддатларда ваколатли, мустақил ҳамда холис суд томонидан кўриб чиқилиши ҳуқуқи кафолатланади” [2] деб белгиланган.

Шунингдек, “Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг 14-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар давлат органлари ҳамда бошқа органларнинг ҳар қандай гайриқонуний қарорлари, уларнинг мансабдор шахсларининг хатти-

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

ҳаракатларидан (ҳаракатсизлигидан), шунингдек ҳаёти ва соғлиги, шаъни ҳамда қадр-қиммати, шахсий эркинлиги ва мол-мулки, бошқа хуқуқ ва эркинликларига тажовузлардан суд ҳимоясида бўлиш хуқуқига эга. Юридик шахслар ҳам суд ҳимоясида бўлиш хуқуқига эгадир [3].

Шу билан бирга, Фуқаролик процессуал кодексининг 3-моддасига асосан, ҳар қандай манфаатдор шахс бузилган ёки низолашилаётган хуқуқи ёхуд қонун билан кўриқланадиган манфаатини ҳимоя қилиш учун фуқаролик суд ишларини юритиш тўғрисидаги қонунчиликда белгиланган тартибда фуқаролик ишлари бўйича судга (судга) мурожаат қилишга ҳақли [4].

Мазкур норматив-хуқуқий ҳужжатлар орқали фуқароларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш ва бузилган хуқуқларини тиклаш бўйича судга шикоят қилиш хуқуқини кафолатлади.

Статистик маълумотларга таянадиган бўлсак, Фуқаролик ишлар бўйича судлар томонидан биринчи инстанцияда кўрилган ишлар 2020 йилда 276 937 тани ташкил қилган бўлса, 2022 йилда 863 883 та [5] ни ташкил қилган бўлиб, мазкур судларда кўрилган ишлар 3,1 бараварга ошганини кўришимиз мумкин. Бу эса ўз навбатида судлар иш ҳажмининг ортиб бориши ва ишнинг сифатига таъсир қилиши мумкин. Шу муносабат билан ишларни ҳар томонлама ва қонуний кўриб чиқиши талаб этилади. Айниқса, моддий ва процессуал нормаларга амал қилган ҳолда кўриб чиқиш лозим.

Маълумки, одатда фуқаролик суд ишларини кўришда тарафларда даъвогар ва жавобгар иштирок этиб, суднинг вазифаси тарафлар ўртасидаги низоли ҳолатни ҳал этиш ва адотали қарор чиқаришдан иборат.

Бироқ, фуқаролик ишлари бўйича суд ишларини юритища тарафлардан ташқари бошқа манфаатдор шахслар ҳам иштирок этиши мумкин. Улар қўрилаётган иш юзасидан манфаатдор бўлиб, ўз хуқуқларини ҳимоя қилиши мақсадида суд томонидан жалб этилиши мумкин.

Фуқаролик ишини умумий юрисдикция судларида кўриб чиқиш нафақат ишда бевосита иштирок этувчи шахсларнинг манфаатларига дахл қилиши мумкин. Бали, бошқа шахсларнинг манфаатларига таъсир қилиши

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

ёки бошқа шахслар ишни ҳал қилиш учун муҳим бўлган маълумотларга эга бўлиши мумкин. Уларнинг фуқаролик процессида иштирок этиши муҳим, чунки фақат бу ҳолатда фуқаролик процессуал тамойиллари тўлиқ амалга оширилади [6].

Хусусан, Фуқаролик процессуал кодексининг 15-моддасига асосан, суд тақдим этилган материаллар ва тушунтиришлар билан чекланмасдан, ишнинг ҳақиқий ҳолатларини, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳар тарафлама, тўлиқ ва холисона аниқлаш учун қонунга мувофиқ чоралар кўришга ҳақли.

Суд ишда иштирок этувчи шахсларга уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириши, уларни процессуал ҳаракатларни амалга ошириш ёки амалга оширмаслик оқибатлари тўғрисида огоҳлантириши ҳамда ишда иштирок этувчи шахсларга ўз ҳуқуқларини амалга оширишида кўмаклашиши керак.

Шуни инобатга олиш лозимки, фуқаролик суд иши суднинг иш юритишига қабул қилингандан кейин ҳал қилиниши керак бўлган энг муҳим масала бу процесс иштирокчиларининг таркиби тўғрисидаги масала, деб ҳисоблаймиз. Албатта, даъвогар ва жавобгар ўртасида низо бор, лекин кўпинча бу низо процессда иштирок этиши керак бўлган бошқа шахсларга ҳам таъсир қилиши мумкин. Бундан ташқари, суднинг вазифаси фуқаролик ишида тўғри қарор қабул қилишдир, бу кўпинча фуқаролик процессида бошқа шахсларнинг иштирокини ҳам талаб қиласи [7]. Фуқаролик процессида иштирок этувчи шахсларнинг алоҳида гурухи учинчи шахслар ҳисобланади.

Хусусан, Фуқаролик процессуал кодексининг 39-моддасига кўра, тарафлар, учинчи шахслар, уларнинг вакиллари, ариза берувчилар ва судда кўрилаётган алоҳида тартибда юритиладиган ишлар бўйича бошқа манфаатдор шахслар, прокурор, ишда бошқа шахсларнинг ҳуқуклари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишда иштирок этадиган давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ва айrim фуқаролар

иша иштирок этувчи шахслар деб тан олинади.

Демак, бундан кўринадики, учинчи шахслар фуқаролик суд ишларини юртишда иша иштирок этувчи шахслар сифатида иштирок этиши мумкин.

Кодекснинг 45-моддасига қўра, даъвогарлар ва жавобгарлардан ҳар бири бошқа тарафга нисбатан процессда мустақил равишида иштирок этади. Учинчи шахслар ҳам процессда биргалиқда иштирок этишлари мумкин.

Бундан кўринадики, фуқаролик суд ишларини юритишида учинчи шахслар алоҳида ҳуқуқий мақомга эга бўлиб, суд ишларини юритишида иштирок этиши мумкин.

Агар судя учинчи шахсни процессга киритиш мумкинлиги тўғрисида қарор қабул қиласидиган вазият мавжуд бўлса, даъвогар, жавобгар ва жараёнда иштирок этувчи учинчи шахс ўртасидаги ҳуқуқий боғлиқлик фактларини аниқлаш муҳимдир. Учинчи томон жараённинг натижасига қандай таъсир кўрсатиши мумкинлигини аниқлаш муҳимдир. Шу билан бирга, судя жараённи кечиктирмаслиги керак, шунинг учун агар учинчи шахснинг иштироки ишни ҳал қилишга ҳеч қандай ёрдам бермаса, бу шахснинг иша иштирок этишига йўл қўйилмайди. Шундай қилиб, фуқаролик процессида иштирок этиш учун учинчи шахсни жалб қилишда унинг иштирокчилар билан алоқаси, шунингдек, ушбу низога муносабати ва уни тўғри ҳал қилишга ёрдам берадиган зарур маълумотларга эга бўлиш имконияти тўлиқ тушунтирилиши керак.

Фуқаролик ишини умумий юрисдикция судларида кўриб чиқиш нафақат жараёнда бевосита иштирок этувчи шахсларнинг манфаатларига дахл қилиши мумкин, балки бошқа шахсларнинг манфаатларига таъсир қилиши ёки бошқа шахслар ишни ҳал қилиш учун муҳим бўлган маълумотларга эга бўлиши мумкин. Уларнинг фуқаролик процессида иштирок этиши муҳим, чунки фақат бу ҳолатда фуқаролик процессуал тамойиллари тўлиқ амалга оширилади.

Фуқаролик процессуал қонунчиликда учинчи шахсларнинг турлари ва уларнинг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланган бўлиб, шунга

кўра фуқаролик суд ишларини юритишда иштирок этади.

Учинчи шахслар – фуқаролик ҳукуқида бевосита фуқаролик ҳукуқий муносабатларда иштирок этмайдиган, лекин вужудга келган ҳукуқий муносабатда муайян даражада ҳукуқ ва мажбурият туғдирадиган субъектлар [8] дир. Бунда фуқаровий ҳукуқий муносабатларда бевосита иштирок этмайдиган, бироқ бундай муносабатларни амалга оширишда бошқа шахслар, яъни учинчи шахсларнинг ҳукуқ ва манфаатларига дахл қилса бундай шахслар фуқаровий ҳукуқий муносабатларга учинчи шахс сиқатида киришади.

Фуқаролик процессида даъвогар билан жавобгар ўртасидаги низонинг ҳал этилишидан манфаатдор бўлган жисмоний ёки юридик шахслар. Учинчи шахслар даъвогар ёки жавобгар сифатида фуқаролик процессида иштирок этмайди, бироқ, суд томонидан чиқариладиган ҳал қилув қарори уларнинг ҳукуқ ва мажбуриятларига бевосита таъсир кўрсатади. Манфаатдорлик характеристига кўра, бундай шахслар мустақил талаблар билан арз қилувчи (мустақил даъво қилувчи) ва мустақил талаблар билан арз килмайдиган (мустақил даъволари бўлмаган) учинчи шахсларга ажратиладилар [9].

Хусусан, Фуқаролик процессида учинчи шахсларнинг икки тури кўрсатилган бўлиб, низо предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилувчи учинчи шахслар ҳамда низо предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз килмайдиган учинчи шахсларга бўлинган.

Ўзбекситон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 48-моддасига асосан, низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилувчи учинчи шахслар суд томонидан ҳал қилув қарори қабул қилингунига қадар ишга киришиши мумкин. Улар даъвогарнинг барча ҳукуқларидан фойдаланади ва унинг барча мажбуриятларини ўз зиммасига олади.

Агар низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилувчи учинчи шахслар ишга суд муҳокамаси бошланганидан сўнг киришган бўлса, ишни кўриш бошидан бошланади.

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

Демак, мустақил талаблар билан арз қилувчи учинчи шахслар иккала томонга ёки улардан бирига умумий асосларда даъво қилиб, бошланиб кетган процесга киришади [10]. Бундай турдаги учинчи шахслар суд томонидан ҳал қилинаётган масала юзасидан ўзининг хуқуqlари ва қонуний манфаатларига дахл қиладиган масала юзасидан ишда иштирок этиш хуқуқига эга бўлиб, даъвогарнинг барча хуқуқларидан фойдаланади ва унинг барча мажбуриятларини ўз зиммасига олади.

Шунингдек, учинчи шахсларнинг иккинчи тури ҳисобланган низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахслар тушунчаси Фуқаролик процессуал кодексининг 49-моддасида белгиланган бўлиб, унга кўра, низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахслар, агар иш бўйича қабул қилинадиган ҳал қилув қарори уларнинг тарафлардан бирига нисбатан бўлган хуқуқларига ёки мажбуриятларига таъсир этадиган бўлса, суд томонидан ҳал қилув қарори қабул қилингунига қадар даъвогар ёки жавобгар тарафида ишга киришиши мумкин. Улар тарафларнинг, прокурорнинг, ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг илтимосномаси бўйича ёхуд суднинг ташаббуси билан ҳам ишда иштирок этишга жалб қилиниши мумкин.

Низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахслар тарафларнинг процессуал хуқуқларидан фойдаланади ва уларнинг процессуал мажбуриятларини ўз зиммасига олади, бундан арз қилинган талабларнинг асосини ёки предметини ўзгартириш, миқдорини кўпайтириш ёки камайтириш, улардан воз кечиш хуқуқи мустасно.

Агар низо предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахс ўз ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги оқибатида даъвогарнинг хуқуқлари бузилганлиги тўғрисида арз қилинган талабларни тан олган тақдирда, суд мажбуриятни бажаришни учинчи шахс зиммасига юклатиш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилишга ҳақли. Худди шундай ҳолларда, даъвогар ва мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

шахс ўртасида келишув битими ёки медиатив келишув тузилишига йўл қўйилади.

Агар низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахс ишга суд муҳокамаси бошлангандан сўнг киришган бўлса, ишни кўриш бошидан бошланади.

Учинчи шахсларнинг мазкур тури кўпроқ меҳнат, фуқаролик ва оиласвий низоларни кўришда кўп кузатилиб, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига даҳл қила оладиган ҳолатларда жалб қилинади. Улар ишда давъогар ёки жавобгар тарафида қатнашиши мумкин бўлиб тарафларнинг ҳуқуқларидан чекланган ҳолда фойдаланади.

ХУЛОСА

Юқоридагиларга асосланиб хулоса қиладиган бўлсак, фуқаролик процессида учинчи шахслар фуқаролик суд ишларини юртишда ишда иштирок этувчи шахслар сифатида иштирок этиши мумкин бўлиб, процессуал қонунчиликда белгиланган процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади. Шунингдек, суд процессида икки тури кўрсатилган бўлиб, низо предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилувчи учинчи шахслар ҳамда низо предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахсларга бўлинган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. <http://uza.uz/uz/society/prezidentimizning-nutqi-mamlakatimizda-inson-manfaatlari-ham-20-09-2017>.
2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Мазкур янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 2023 йил 30 апрель куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдумида умумхалқ овоз бериш орқали қабул қилинган. (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон) <https://old.lex.uz/docs/6445145>.
3. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 28 июлдаги “Судлар тўғрисида”ги ЎРҚ-703-сон Қонуни // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.07.2021 й., 03/21/703/0723-сон. <https://old.lex.uz/docs/5534923>.

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

4. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси. (Конунчилик маълумотлари миллий базаси, 27.04.2023 й., 03/23/833/0236-сон). <https://old.lex.uz/docs/3517337#3517976>.
5. Фуқаролик ишлари бўйича судларнинг 2018-2022 йиллар ҳамда 2023 йил 9 ойлик фаолият якунларининг асосий қўрсаткичлари// <https://stat.sud.uz>.
6. Мирошниченко И. Р. “Некоторые проблемные вопросы участия третьих лиц в гражданском судопроизводстве”. Вопросы студенческой науки Выпуск №6 (58), июнь 2021.
7. Мирошниченко И. Р. “Некоторые проблемные вопросы участия третьих лиц в гражданском судопроизводстве”. Вопросы студенческой науки Выпуск №6 (58), июнь 2021.
8. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-u/uchinchi-shaxslar-uz/>
9. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-u/uchinchi-shaxslar-uz/>
10. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-u/uchinchi-shaxslar-uz/>